


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси
(транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	Бет
1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи.....	10

1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60730400 - *Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) – “Архитектура ва қурилиш” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, қурилиш соҳасини ривожлантиришга, истиқболлини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, услублари ҳамда транспорт иншоотларида муҳандислик коммуникациялари ва тизимлари лойиҳаларини бажариш ва тузилган лойиҳа натижаларини амалда қўллаш, сув таъминоти ва канализация коммуникациялари ҳамда тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, транспорт объектларининг

муҳандислик коммуникациялари ва тизимларини қуриш ва монтаж қилиш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- транспорт иншоотларидаги муҳандислик коммуникациялари ва тизимлари;
- ички водопровод ва канализация тизимлари;
- биноларни иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари;
- ташқи ва ички сув таъминоти тизимларида ишловчи насос станциялари;
- транспорт тизимлари (темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли) инфратузилмаси сув таъминоти тармоқлари;
- транспорт тизимлари (темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли) инфратузилмаси оқова сувларини оқизиш тармоқлари;
- транспорт тизимлари (темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли) сув таъминоти иншоотларини лойиҳалаш;
- транспорт тизимлари (темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли) оқова сувларини тозалаш иншоотларини лойиҳалаш;
- лойиҳаларнинг норматив ва техник ҳужжатлари, техника ва технологик жараёнларни меъёрлаштириш, техник хавфсизлик ва инсон хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳужжатларини юритилиши.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти объектларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳукукига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув
- ишлаб чиқариш-технологик;
- илмий-тадқиқот;
- лойиҳа-конструкторлик;

1.2.4. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамакасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий–бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқариш ва мониторингини олиб бориш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;
- касбий муаммолар ечимини топиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

Ишлаб чиқариш–технологик фаолиятида:

- қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш ва маромига етказиш;
- турли қурилиш объектларида муҳандислик коммуникацияларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий–технологик хариталарини тузиш ва қўллаш;
- қурилишда қўлланиладиган муҳандислик коммуникация материаллари ва ускуналарининг сифатини назорат қилиш;
- транспорт тизими инфратузилмаси биоларининг муҳандислик коммуникациялари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;
- транспорт тизими инфратузилмаси биоларининг муҳандислик коммуникацияларида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш.

Илмий–тадқиқот фаолиятида:

- янги билимларни мустақил ўзлаштириш, ўз устида ишлашни ва илмий асосда ўз меҳнат фаолиятини ташкил этиш;
- берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва ўтказиш, лойиҳалашни автоматлаштиришнинг стандартлаштирилган пакетлари асосида математик моделлаштириш усуллари эгаллаган бўлиши;
- архитектура ва қурилиш соҳасида республика ва хорижда нашр этилган илмий-техник маълумотларни ўрганиш;
- берилган мавзу бўйича маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий тадқиқодлар ва ишланмалар натижаларини амалиётга татбиқ этишда иштирок этиш.

Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:

- муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажини (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация тизимлари) лойиҳалаш;
- муҳандислик коммуникацияларини, темир йўл инфратузилмаси тасарруфидаги бино ва иншоотларини ҳамда тизимларини лойиҳалаш;

– муҳандислик коммуникациялари ва тизимларини лойиҳалашда стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш, конструкциялаш ишларини бажариш;

– лойиҳавий, дастурий ҳужжатларни ва ишчи техник ҳужжатларни тайёрлаш, яқунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш;

ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш.

2. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (транспорт иншоотларида сув таъминоти ва канализация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

– техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги муҳандислик коммуникация тизимлари таркиби ва технологиясини амалиётга татбиқ этиш, муҳандислик коммуникация қурилмаларини синовдан ўтказиш;

– республика ва хорижда чоп этилган муҳандислик коммуникация тизимларига оид илмий-техник манбаларни ўрганиш;

– амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ҳамда улардан унумли фойдаланиш;

- муҳандислик коммуникациялари ва тизимларини лойиҳалаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини назорат қилиш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш ва унинг мониторингини олиб бориш;
- муҳандислик коммуникацияларини, транспорт тизими инфратузилмаси тасарруфидаги бино ва иншоотларини ҳамда тизимларини лойиҳалаш;
- муҳандислик коммуникациялари ва тизимларини лойиҳалашда стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш, конструкциялаш ишларини бажариш;
- муҳандислик коммуникациялари, тизимлари ва жиҳозларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- транспорт тизими инфратузилмаси объектлари, фуқаро ва саноат биноларини муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, солаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;
- транспорт тизими инфратузилмаси объектлари, фуқаро ва саноат биноларининг муҳандислик коммуникация тизимлари ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш усулларини эгаллаган бўлиши керак;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- биноларнинг совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация тизимларини лойиҳалаш хусусиятларини, улардан фойдаланиш жараёнларини, тизимларни ривожлантириш;
- транспорт тизими инфратузилмасида сув таъминоти тармоқларини қуришни ташкиллаштириш;
- сув таъминоти тармоқларини таъмирлаш;
- мавжуд сув таъминоти тармоқлар қувватини ошириш муаммоларини ечиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартлари ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш;
- транспорт тизими оқова сув тармоқларидан фойдалана олиш;
- транспорт тизими инфратузилмасида оқова сув тармоқларини қуришни ташкиллаштириш;
- мавжуд оқова сув тармоқларини қувватини ошириш муаммоларини ечиш;
- сув таъминоти иншоотларини қуриш ва монтажини, темир йўл сув таъминоти иншоотларидан фойдаланишни, сув таъминоти иншоотларини қуриш ва монтажини, транспорт тизими инфратузилмаси тозалаш иншоотларини танлашни, сув таъминоти иншоотларидан фойдалана олиш;
- оқова сув иншоотларини қуриш ва монтажини, темир йўл оқова сув иншоотларидан фойдаланишни, оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш ва монтажини, транспорт тизими инфратузилмаси тозалаш иншоотларини танлашни, оқова сув иншоотларидан фойдалана олиш;
- транспорт тизими инфратузилмасида сув таъминоти ва оқова сув иншоотларини қуришни ташкиллаштириш;
- сувли ёнгин ўчириш қурилмасини лойиҳалаш, транспорт тизими инфратузилмаси биноларининг муҳандислик коммуникацияларида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш.

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун технологик жиҳозларга хизмат кўрсатиш;

- технологик ва ностандарт жиҳозларни конструкциясини яратиш ва улардан фойдаланиш;

- компьютер технологиялари ва дастурлаш;

- тизимли ёндошув механизмларини татбиқ этиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқув цикли, транспорт тизимлари муҳандислик коммуникациялари, иссиқлик жараёнлари, термодинамика қонунлари, ишчи жисм, ишчи жараён, суюқлик ва газ механикаси асослари, ҳақиқий цикл, газ, насос станциялари, ёқилғи, иссиқлик, ҳисобий юқламалар, иситиш асбоблари, насослар ва ҳаво узатгичлар, замонавий жиҳозлар, сув таъминоти тизимлари, оқова сувларни оқизиш тизимлари, механик йўқотишлар, иссиқлик билан таъминлаш, вентиляция, биноларда ишлатиладиган муҳандислик жиҳозлари, ички сув таъминоти тармоқлари, ички оқова сувларни оқизиш тизимлари, фойдали иш коэффициенти, иссиқлик баланси, сув таъминоти, газ таъминоти, канализация.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

М.Ў. 202__ йил «__» _____



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
инновацион технологияларни татбиқ этиш
маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

М.Ў. 202__ йил «__» _____



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма
бошлиғи  А. Хамролиев

М.Ў. 202__ йил «__» _____



Тошкент архитектура-қурилиш
институтини

Ректор  Р.Ҳакимов

М.Ў. 202__ йил «__» _____

